



# Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!



HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

VILOYAT  
IJTIMOIY-SIYOSIY  
GAZETASI

2023-yil  
6-sentyabr  
CHORSHANBA  
№ 65 (13624)



# ТОШКЕНТ НАҚИДАТИ

1928-yil 11-dekabrdas asos solingen

@haqiqatonline\_24 Haqiqat online haqiqatonline\_ QR-kod



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

## САНОАТНИНГ ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

Эсласангиз, бир пайтлар иқтисодиётимизнинг асосини қишилоқ хўжалиги белгилайди, деган фикрда эдик. Бугун эса дунёка-рашимиз, фикримиз мутлақо ўзгарди. Тадбиркорлик, ишбилиармонлик, саноат корхоналарининг тобора ривожланаётгани юртимиз иқтисодиётини юксалитирибина қолмай, ишсизликка, камбағалликка барҳам бермоқда.

3

Бугун ҳалқимизнинг қалbidаги шукроналик, фахру ифтихор туйғуси ўзгача. Барча жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг 32 йиллик байрамини хушкайфият илиа кутиб олди. Тарих учун қисқа бу йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида илгари ќўйилган қадамларнинг саломоги анча залворли бўлди. Истиқлол йилларидаги ҳаётимизни таҳлил этиш, хулоса чиқариш эса эртанги кун рёжаларини тушибга имкон беради.



Юртимиз бўйлаб ҳамон шукуҳи қезиб юрган мустақиллик байрам шодиёналари яна бир ёркен тадбирга улануб кетди. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларидаги умумтаълим мактабларидаги "Биринчи қўнгирок" тадбирлари ҳамда "Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!" бош гояси остида "Мустақиллик дарс"лари бўлиб ўтди.

Тадбирларда турли даражадаги раҳбарлар, меҳнат фахрийлари, нуоронийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқув-

чишлар ҳамда мактабларни аввалийларда тамомлаган битирувчилар иштирок этиши.

Хусусан, Тошкент вилоятини ҳокими Зойир Мирзаев Олималик шаҳрининг "Саховат" маҳалласидаги 16-умумтаълим макtabидаги тадбирда қатнашиб, таълим дар-

гоҳига илк қадамини кўйган болажонларга Президент совгала рини топшириди. Тадбирда сўзга чиқканларни мустақиллигимизнинг 32 йиллиги ҳамда ўқувчи бошланиши билан кутлаб, устоз-мураббийларнинг фаолиятига муваффакиятлар тилашди.

– 2023 йил – "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да ёш авлодга билим бериш борасида мисли кўрилмаган имкониятлар ишга солинмоқда, – дейди мактаб директори Ленура Байдуллаева. – Биргина 28 август куни Президентимиз раислигига мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчилар ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни кўллаб-куватлашга оид вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор иғилишида таълим тизимини тубдан ислоҳ этишига катта эътибор қаралтиди.

(Давоми 2-саҳифада)



Ҳамкорлик

## ЯҚИН ИСТИҚБОЛ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Хитой Халқ Республикаси Шенси провинциясининг "Бир белбоғ, бир йўл" ихтисослаштирилган товарлар кўргазмасининг очилишида иштирок этди.

Унда провинциянинг Коммунистик партия кўмитаси котиби Чжао Йиде билан учрашиди. Қатор инвестиция лойиҳалари, экспорт ва импорт шартномалари мухокама қилинди. Шунингдек, кўргазмада иштирокчиларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таниширилди.

50 дан ортиқ Хитой компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этган ушбу тадбирда Тошкент вилояти ва Шенси провинцияси ўтасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича Меморандум кўриб чиқиди. Томонлар ушбу хужжатни Тошкент вилояти ҳокимининг Хитойга ташрифи ҷоғида имзолашга келишиб олишиди.

Тошкент вилоятида инвестиция лойиҳалари, экспорт ва импорт шартномалари, кўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини тезкор мухокама қилиш учун ҳар иккى томондан маҳсус ишчи гурухлар тушигла қарор қилинди.

Кўргазманинг иккичи кунида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев Хитойнинг Шинжон-Ўйғур автономон райони губернатори ўринбосари Юсуфхуҗи Маиманти билан учрашиди.

Мулоқотда вилоят раҳбари сўнгига йилларда ўзбекистон муносабатлар тўғрисида сўз юритиб, Тошкент вилояти худудий жиҳатдан ийриклиги ва саноат корхоналари учун ҳар томонлама қўлай эканлигини билдириб ўтди.

Шундан сўнг, хитойликлар томонидан фармацевтика ва тиббиёт йўналишларида ҳамкорлик қилиш ва кадрлар тайёрлаш таклифи берилди. Бу лойиҳа учун вилоят худудидан 50 гектар ер майдони ажратилиши режа қилинди.

Шунингдек, вилоятнинг маъмурӣ марказини куриш, янги шаҳар бунёдкорлиги учун қурилиш материаллари зарур бўлалётган таъкидланиди, бу борада амалий ҳамкорликлар олиб боришга келишилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги  
Ахборот хизмати

## "Биринчи қўнгирок" ҳаяжонлари

Тадбирларда турли даражадаги раҳбарлар, меҳнат фахрийлари, нуоронийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқув-

чишлар ҳамда мактабларни аввалийларда тамомлаган битирувчилар иштирок этиши.

Хусусан, Тошкент вилоятини ҳокими Зойир Мирзаев Олималик шаҳрининг "Саховат" маҳалласидаги 16-умумтаълим макtabидаги тадбирда қатнашиб, таълим дар-

гоҳига илк қадамини кўйган болажонларга Президент совгала рини топшириди. Тадбирда сўзга чиқканларни мустақиллигимизнинг 32 йиллиги ҳамда ўқувчи бошланиши билан кутлаб, устоз-мураббийларнинг фаолиятига муваффакиятлар тилашди.

– 2023 йил – "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да ёш авлодга билим бериш борасида мисли кўрилмаган имкониятлар ишга солинмоқда, – дейди мактаб директори Ленура Байдуллаева. – Биргина 28 август куни Президентимиз раислигига мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчилар ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни кўллаб-куватлашга оид вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор иғилишида таълим тизимини тубдан ислоҳ этишига катта эътибор қаралтиди.

(Давоми 2-саҳифада)



Салом, мактаб!



Дархәқиат, юртимизда ўкув стандартларинин янада таомиллаштириш, ўкувчиларнинг сифатли билим олиши учун көнт икмон яратиш, педагогларнинг меңнәтини құралаш, хориждан юкори (Давоми. Бошланиши 1-сағиғада)

# "Биринчи құнғироқ" ҳаяжонлари

кабрдаги Олмалик шахрига таширифидан сүнг мактабга 39 миллиард сүм маблаг ажратилип, 660 ўринни құшимича бино курилиши ва мажүд бинонинг реконструкция қилиниши белгиланған эди. Мана бүгун барна күләпикларга ега таълим даргохимизнинг қайта очылышы бўлди.

Орзигиб кутилган биринчи құнғироқ садолари янрга, дарслар бошлини. Иле сабоқ – мустақиллик дарсида истиқоллини халқимиз хәйтидаги ахамияти, юртимизда ке-чаётган янгиланишлар, ёш авлодга эътибор, тинч ва осуда ҳётнинг қадрига етиш, мамлакатимиз жаҳон миқёсіда янада эътироф этилиши учун яхши билим олиш, пойдеворни

мактабдан мустаҳкам кўйиш кераклиги таъкидланди.

Айтиш жоизки, жорий ўкув йилида вилоятда барча дастурлар доирасида жами 19 минг 583 ўринни 44 та мактабда курилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Макзур бунёдкорлик ишларирига 311 миллиард 696 миллион сүм маблаг ажратилип, 9 та обьектда мукаммал таъмирлаш, 30 тасида реконструкция ишлари бажарилди. Шунингдек, 5 та янги мактаб курилиб, фойдаланишга топширилди. Амалга оширилган курилиш-таъмирлаш ишлари натижасида 14 минг 84 та янги ўкуви ўрни яратиди.

Ота-оналарга қулайлик яратиш ва шаффоғлини таъминлаш мақсадида, сўнг йилги биринчи синғфа қабул жараёнлари онлайн шактада ташил этилди. Жараён Мактабгача ва мактаб таълимни вазирлигининг электрон хизматлар портали – [mu.maktab.uz](#) ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портала – [mu.gov.uz](#) орқали амалга оширилди.

"Биринчи құнғироқ" тадбирлари вилоятимизнинг барча туман-шаҳарларидағи таълим мусасасаларида кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди.

**Кумуш САЛОМОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Жалолиддин ЭСНОВ  
олган суратлар



**Илк бор мактаб остонасига қадам қўйганда барчани ўзгача ҳаяжон чулғайди. Биринчи құнғироқ, биринчи устоз, биринчи танишувлар... Албатта, бу болалик хотираларини энтикиб, ним табассум билан эслаймиз.**

Қуида бир гурӯҳ вилоятдошларимиздан илк таълим олган даргоҳлари, биринчи ўқитувчилари ва ўша кунги таассурлари ҳақида сўрадик:

**Абдулла ШЕРОВ,**  
Ўзбекистон ҳалқ шоюри:

– 1950-йил, Иккинчи жаҳон уруши асрорлари кетмаган даврлар. Ўқиш ва кийинши шароити тўхис бўлмасада, мактабга боришнинг ўзи катта кувонин эди. Мен Чиноз туманинда Охундобов участкаси – хозирги "Йўл тушсан" маҳалласидаги пастакина мактабга боргандар. Мозиридек турли-туман формалар қаёқда дейсиз. Ёдимда, кўп синдошларимизнинг уст-боши ямоқ-яскок эди. Айримларгагина эски сурпдан кўйлак, тринка шим олиб беришарди. Ҳамма брезентдан соёқ кийим киар, шуни ҳам тополмаганлар мактабга калища келишарди. У даврларда биринчи қўнғироқ таддирлари бугунгидек тантанали бўлмади. Бир сағта тизилганимизни эслайман. Синдошларимизни ўшига иштиёқ бор эди.

Буғуннинг болаларига ҳамманинг ҳаваси келади. Биринчи синф ўқувиларига Президент совгаси сифатида ўкув куроллари билан тўлдирилган сумкалар ҳада қилинди. Менга онам бўздан жилд халта тикиб бергандилар. Биринчи қатига сиёҳдан солиниради. Ўқувиларга бир хил ёроч ручка ва 11-перодан фойдаланишга рухсат бор эди. Синхоналари қишида союқ ва коронги бўларди... Аммо, барча қийинчиликларга қарамай синдошларимизни ўшига иштиёқ бор эди.

## Бир кун ва бир умр...



**Рустам БОБОҚУЛОВ,**  
Тошкент вилояти ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаси бошлиғи:

– Ойлада энг кенж – еттинчи фарзанд эдим. Ҳаммамиз бир мактабда ўқидик. Мен мактабга чиқкан 1 сентябр куни онам биларни етаклаб ўқиши олиб боргандилар. Мактабдан уйимиз кўриниб турарди. Бир кўзим уйимизда, яна бири жўлмайиб турган устозимда эди. Биринчи қўнғироқ чалингандан сўнг

синфонога кирди. Муаллими Уғилой Мирзаев мени синф сардори этиб тайинладилар. Шу куни дарслар тугаслигини, кетиш учун қўнғироқ чалинмаслигини жуда хоҳлагандар. Дарсдан сўнг ўйга шу қадар курсанд қайтганманки, мени кўриб, онамнинг кўзлари ўшга тўлган. Ҳар куни дарсларимни вактида

иштиёқ билан тайёрлардим. То мактабни битиргунимча аълочи ўкувчи бўлганман. Ҳар йили шу куни биринчи синфга борган ўқувчиларнинг кўзларидаги ҳайратни кўриб, болалигим ёдимга тушади. Қўнғироқнинг жарангни эса ишкестим ва, албатта, ҳар куни мактабга кузатиди, кути оладиган онамни эслатади. Бу ширин хотираларни аспо унутмайман.

**Абдурашид ҲАСАНОВ,**  
Техника фанлари доктори, академик,  
Журналистлар уюшмаси аъзоси:

– 1965 йили Охандарон туманинда 45-сонги мактабнинг 1-синғфа боргандар. Даврани айланни, қўнғироқ чалиб, синфга кирсан, мактаб директори 7 ёшга тўлишинга 26 кун етмагани сабабли дарсга катнашишимга рухсат бермадиган. Аввалига њеч нарсага тушунмаганман, кейин роса ийлаганман. Лекин 15 кунгача мактабга катнайверганди. "Комиссия"

келиб қолса, юрагимни ҳо-вучлаб, беркиниб олардим. Биринчи устозим Абдулазиз ака: "Сени, албатта, синғда олиб қоламан" дерди. Аммо у ҳам директорни кўндирапмаган. Кўз ёшларимни кўрган раҳматли Ҳосяят бувим бир халта ёнгок кўтариб, директорнинг хонасига салобат билан кириб чиқканлар. Шундан кейин мени мактабдан њеч ким кувмаган...

**Азиза НОРХЎЈАЕВА,**  
Ўқитувчи, Зangiota тумани:

– Мактабга илк қадам ўйнадиган кунним кечагидек ёдимда... Ухлап қолмаслик учун, камига ҳаяжондан кечаси билан миққа қўкмаганман. 1999 йил 2 сентябрда биринчи синғфа чиқдим. Устозимда оқ кофта, қора юбка, жамалак сочларимда опоқ лентадан бантник. Қўнғироқ чалингач, бизни баланд бўйли, корачадан келган опа синғфа олиб кирдилар (кейин билсал улар устозимиз эканлар). Саломлашгач, улар ўкувчи бўлганимиз билан табриклиб, журнал бўйича бирма-бир танишилар. Устозиминг мулойим сўзлари, меҳрибонлик билан мумомал қилишлари мenda

илик таассурот қолдириди. Йиллар ўтсада ўша таассурот мени тарқ этмади. Айнан биринчи устозим сабаб мен ҳам ўқитувчилик касбими тандадим. 2023 йил 4 сентябрь. Шу куни 24 йил аввалин ҳаяжонни яна бор бор ҳис килдим. Сабаби, қизим биринчи синғфа чиқди. Буни қарангти, синғдошим Сабоҳатнинг ўғли ҳам шу мактабга чиқиди. Улар энди биз – оналари каби синғдош бўлишиди. Фарзандларимизнинг күончини кўриб, болаликка қайтандек бўлдик.

**К. ЭГАМБЕРДИЕВА**  
таъиёлади



## Ўтган кунлар сабофи

Сўнгги йилларда қатағон қурбонлари номини оқлаш, хотирасини абадийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу саъъ-харакатлар замирда тарихий адолатни тиклаш, ҳалқимиз қадр-қиммати, ор-номусини ҳимоя қилган аждодларимизга нисбатан замондошларимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онгидаги ҳурмат ва эҳтиром туйгусини тарбиялаш мақсади мушассам.

### Хотира

Мустақиллик байрами нишонланган кунларда эл-юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида ҳалок бўлган, шунингдек, "пахта иши" қатағони қурбонлари ҳам едва олини.

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Пискент туманинда истиқомат кираган "пахта иши"нинг қурбонлари. Ислиддин Ҳайдаров ва Туропжон Иномовлар хонадонида бўлди. Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақига дуо килинди. Мехмонлар Ҳайдаровнинг ҳаётни, меҳнат фаолияти, фидойиликлари ҳақида сұхбатлашиди.

И. Ҳайдаров 1922 йилда Пискент туманининг Келовчи қишлоғига туғилган. 1951-1986 йилларда (35 йил) "Гулистон" жамою хўжалигини бошқарган. Ўзга раислик қигъон худудда 2 та замонавий мактаб, 180 ўринни бочга, иссиқхона, ҳаммом, маишӣ ҳизмат ўйлари барпо этган. У эккан юзлаб чинорлар бугун ҳам барқ уриб, қишиш кўчаларига файз бериси.

Аслида агар соҳа ходими бўлсада, И. Ҳайдаров фидокорона ҳизматлари учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони ҳамда "Халқ маорифи алоҳиси" нишони билан тақдирланган.

Ёндинизда бўлса, ёзувчи Тогай Мурод "Отамдан қолган дадалар" романидан: "Мен ўз кўзим билан кўрдим, ўзбекнинг асл фарзандларини зиндан машиналарга босидил", деб ёзди. Дарҳакиат, ўша мустабид тузум даврида миллатимизнинг фахри бўлган минг-минглаб зиёлилар, раҳбар кадрлар қатағонга учради, ортидан ота-оналари, фарзандлари, яқинлари чирираб қолавериши.

Ислиддин Ҳайдаровнинг кенж қизи Латофат Ҳайдарова шундай эслайди:

– Жуда оғир қунларни бошдан ўтказганим. Отам қамалганда 21 ўнда, 22-умумтальым мактабларида 4 сентябрда илк сабоқ – "Мустақиллик дарси" Ватан ор-номуси ва қадр-қиммати йўлида шахид кетган ҳаракмонлар хотирасига бағишиланди.

– Ватан ўз фидойипарини унутмайди, – дейди "Махалла" ҳайрия жамоат фонди бошқаруви туман бўйими раиси Нурали Кенжав. – Ислиддин Ҳайдаров Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, жамоа хўжалиги гўзга навралари синовдан ўтказиб, маҳаллий шароитларга мослаштириш,

шунингдек, паҳта ҳосилдорлигини оширишга катта ҳисса кўшган. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таҳрибалари билан кўп маротаба ҳақи ҳўжалиги ютуклари кўргазмасининг олтин ва кумуш медаллари соҳиби бўлган. Унинг синовлари тўла ҳаёт йўли ҳақида ҳуқувчиларга гапириб, кўзларимга ёш келди. Шундай одамларни қатағон килиб, барча нарсаларидан маҳрум этишишган. Лекин ҳақиқат эгалиди, булиди, аммо синмайди. Мана, ноҳақ қамалган вилоятдошларимизнинг номлари ҳам оқланди.

Дарвоқе, "Келовчи" маҳалласида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ташкил этилган. Унда Ислиддин Ҳайдаров, Туропжон Иномов ва бошқа кўплаб "пахта иши" қурбонларининг ҳаётни ва фаолиятига оид материаллар сақланмоқда.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Нозим АБДУЛЛА Олган суратлар

## 24 МАҲҚУМНИНГ ИЛТИМОСНОМАСИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Бугун мамлакатимизда судлар томонидан одил судловни амалга оширишда инсонпарварлик таомиллари ўз аксини топмоқда. Бу эса миллий қонунчилигимизга янада мустаҳкам пойdevor бўлганди.

Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги олдидан Бўстонлик туманида жойлашган Биринчи миңтақаий ҳудуд, 7-сон жазони икро этиш муассасасида сайдер суд мухокамаси бўлиб ўтди. Унда белгиланган ичи тартиб қоидаларига риоя килган, меҳнатта ҳалол, вижоднан муносабатда бўлган 34 нафар маҳқумнинг илтимосномаси ўтганилди.

Мухокамада Жиноят ишларири 1997-моддаси жойлашган. Биринчи миңтақаий ҳудуд, 7-сон жазони икро этиш муассасасида сайдер суд мухокамаси бўлиб ўтди. Шунингдек, Жиноят-иҳқоя кодексининг 113-моддаси талаби бўйича 24 нафар маҳқумнинг илтимосномаси қоноатлантирилди, бу жаринни эса рад этилди.

Судлар томонидан маҳқумларга чиқарилган ҳарор уларни жамиятда ўз ўрнини топшириди. Шунингдек, 10 нафар маҳқумга китобларни ташкил этилди. – Бугун маҳқумлар ва уларни ойлашни азольалири учун кўшалош бўлди, – дейди Омбудсманнинг вилоятдаги миңтақави Р. Камалов

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМДАРДЛИК

Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудоликка учради.

Миллий кўшиқчиллик санъатимизнинг атоқли намояндаси, устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев шу йил 4 сентябрь куни 77 ёшида вафот этди.

Шерали Жўраев 1947 йил 12 апреда Андикон вилоятининг Асака шахрида туғилди. 1971 йилда Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)ни тамомлаб, меҳнат фаглиятини "Шодлик" ашула ва рақс ансамблининг хонандаси сифатида бошлади. Кўн йиллар Андикон вилояти филармонияси, Ўзбекистон давлат филармонияси, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси каби икодий ташкилотларда фаолият кўрсатиб, халқимизга сидидилдан хизмат кўлди.

Шерали Жўраев ўзининг ноёб иштөъдоди, бетакор овози ва юқсанак ижро маҳорати билан юзлаб ёрқин кўшиклиар яратиб, халқимиз орасида муносаби обрў-эътибор топди. Мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг кўплаб шеърий намуналарини кўйга солиб, ўзбек кўшиқчиллик санъатининг "олтин фонди"ни бойитиша бекеъси ҳисса кўшди.

Шерали Жўраев кўп йиллик самарали икоди билан замонавий миллий санъатимиз ва маданиятимизни ривоҷлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносаби тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти, "Фидокорона хизматлари учун" ва "Эл-юрт хурмати" орденлари билан мукофотланган эди.

Бетакор санъаткор, саммий ва камтарин исон, ёшларнинг меҳрибон таъсисати ва спорт бошкармаси матбуот хизмати бошлиги Авазбек Абдурахмонов.

Матлари давлатимиз томонидан муносаби тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти, "Фидокорона хизматлари учун" ва "Эл-юрт хурмати" орденлари билан мукофотланган эди.

Бетакор санъаткор, саммий ва камтарин исон, ёшларнинг меҳрибон таъсисати ва спорт бошкармаси матбуот хизмати бошлиги Авазбек Абдурахмонов.

Ш. МИРЗИЁЕВ,  
Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,  
А. АРИПОВ, Х. СУЛТОНОВ,  
О. НАЗАРБЕКОВ



Кейнинг йилларда "Ватандошлар" жамоат фондининг Васийлик кенгаши раиси вазифасида самарали меҳнат қилиб, хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан алоказаларни мустаҳкамлашда муносаби хизмат кўлди.

Моҳир санъаткор ўзбек миллий кўшиқчиллигинда ўз икодий мактабини яратиб, кўплаб ёш иштөъдод эгалари тарбиялади.

Шерали Жўраевнинг миллий санъатимиз ва маданиятимизни ривоҷлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносаби тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти, "Фидокорона хизматлари учун" ва "Эл-юрт хурмати" орденлари билан мукофотланган эди.

Бетакор санъаткор, саммий ва камтарин исон, ёшларнинг меҳрибон таъсисати ва спорт бошкармаси матбуот хизмати бошлиги Авазбек Абдурахмонов.

Маълумки, Тошкент вилояти мамлакати мизнинг энг йирик худуди бўлиб, саноат салоҳияти ҳам жуда катта.

Бундан бир неча йил аввал Президенти

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: САНОАТНИНГ ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

миз Тошкент вилоятияга ташриф буюрганида: "Тошкент вилоятининг эртаги куни бу – саноат", деб таъкидлаган эди. Шундай бўлди ҳам. Кейнинг йилларда давлатимизнинг ҳар томонлами кўллаш-куватлаши түфайли вилоядада саноат жуда тез тараққий этди, энг замонавий технологиялар ўрнатилган кўплаб корхона ва заводлар иш бошлади, экспорт ҳажми сезиларни даражада ортиди.

### ТАБИЙ ХОМ АШЁДАН – ТАБИЙ МАҲСУЛОТ

Юрии Чирчик туманинда жойлашган "Asia Tashkent textile" масъулияти чекланган жамиятни текстиль-тўқимачилик йўналишида фаолият юритади. Лойҳанинг биринчи босқичида пахта толасидан ип-калава йигириш комплекси ишга туширилди. Кейнинг босқичларда бўяш, мато тўқиш ва тайёр текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бўлган цехлар ишга туширилиши режа-лаштирилган.

Мазкур лойҳанинг умумий қиймати 110 миллион АҚШ доллари бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 14 миллион еврони ташкил этади. Ҳозирда корхонада 900 та иш ўрини яратилган, барча цехлар ишга туширилган ишчилар сони 2 мингтага этиди. Корхона йилига 24 минг тонна пахта толасини қўйта ишлаш кувватига эга. Йиллик экспорт салоҳияти эса 70 миллион долларни ташкил этади.

– Давлатимиз раҳбарининг мамлакати мизда етиширилган пахта толасини ўзимизда чукур қайта ишлаб, текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга кўшиш борасида қабул қўлган қатор қарор ва фармонлари тадбиркорларга янги имкониятлар эшигни очди, – дейди корхона раҳбари Санжар Ёқубжонов. – 2016 йилгача пахтамиз асосан ҳом ашё сифатида, арzon қийматда экспорт қилинган бўлса, эндиликда пахтадан тайёр текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинмоқда. Бу қўшимча иш ўринлари, мўмай валиоти тушуми дегани. Бизнинг Туркя ва Татаристон давлатлари билан ҳамкорлиқда очилган корхонамизда ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 100 фоиз экспортга йўналтирилди. Корхона тўйлик кувватида ишга тушгач экспорт салоҳиятини йилига 150 миллион АҚШ долларига етказиши мақсад қўлганмиз.

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ИННОВАЦИЯЛАР

Президентнимизнинг ташрифидан сўнг очилган яна бир корхона "AGRO NEW DRIP" масъулияти чекланган жамиятидар. Нурафшон шахрида жойлашган корхона 37 млн. доллар

хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши хисобига бунёдга келди. Ўнда 250 та доимий ва яна шучуна мавсумий иш ўринлари яратилди.

Корхонада йилига 200 мингектар ерни

Айнан кластерлар қошида жойларда, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари очилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Натижада аҳолининг бандларига таъминланниб, экспорт салоҳияти ошмоқда.

Вилоядада давлатимиз раҳбари рамзиётумни босиб, ишга туширган яна бир корхона Куйи Чирчик туманиндағи "TCT cluster" пахта-тўқимачилик кластерига қарашли.

Шунингдек, мусобақада Сардор Абдурахмонов

МЧЖ раҳбари Абдурахмон Бахромов. – Улар ёрдамида сифатли, дунён бозорида рақобатбардошлар ишлаб чиқарилмоқда. Якинда иш бошлаганимизга қарамай, хозирдан маҳсулотимизга талаб юори.

Умумий майдони 41 гектарни ташкил этивчи корхонада, шунингдек, пахта толасини чукур қайта ишлаб, тайёр тўки-

сугоришига мўлжалланган сув тежовчи ускуналар ишлаб чиқарилади. Дарвоқе, 5-авлод технологиялари ўрнатилган корхона геомембрана, турли қалинликдаги полипропилен кувур ва фитинглар тайёрлаш имкониятига эга. Шунингдек, корхонада синов лабораторияси ҳам бор, у ерда бир маҳсулот тестидан ўтказилади. Маҳсулотнинг 60 фоизи ички бозорга, қолгани эса экспортга йўналтирилади. Асосий хом ашёнинг бир кисми Саудия Арабистони ва Туркиядан, қолгани маҳаллий корхоналардан олинади.

– Ҳар бир маҳсулотимиз дунён бозорида ҳам рақобатбардош бўлиши учун ҳаракат қиляпмиз, – дейди корхона раҳбари Олимжон Холмуродов. – Келгусида хом ашёни 100 фоиз маҳаллийлаштириш ниятидамиз. Бу орқали маҳсулотимизни Марказий Осиё, Шунингдек, Гру-

Жорий йилнинг август ойи ҳолатига кўра, вилоядада 44 минг 292 та корхона ва ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Саноат корхоналари эса 7 минг 81 тага газия.

Озарбайжон

ва Африка

таға газия.

иляри

</div



# Кипришинг шудринги тушибди...

"Тошкент ҳақиқати" танишириади

Шеърият – ташбехлар сандиги. Тұғрироғи, ҳикмат деген өмбіни ташбехлар мәтохига үралған күринишидир.

Яңгыйлұллук Ойбек Акбаровнинг шеърларини ўқиб чықтый. Анча пұхта ва тұқис. Ташбехлари топтима ва айтимлари ёқимли:

Тун. Тамаки чекади мұры  
Кулимира барып чиқарар печь... – дейді бир шеърида.

## Беваро

Лабларингдә хиром айлади ханда,  
Андалыб бол бўйди кўриб гулшанда.  
Қалбимни ёндириб ажаб гулханда,  
Кипринеларине билан нишладинг, кетдинг.

Сен билан чор тараф гуллап, чунон,  
Кетдинг-у умримга чанг солди хазон.  
Сархоларда қолдим бўйиб хастажон,  
Билмадим, не ўйла бошладинг, кетдинг.

Жилмайиб ҳар томон айлаб наззора,  
Отасин ишикнеда ёндим тобора.  
Қўзларим ёшини қилип фаввора,  
Курган киприкни ёшладинг, кетдинг.

Кечир, кўргизмадим бир вафо дея,  
Ўзга дилдор билан сур сафо дея,  
Ассалом ўрнаса алевидо, дея,  
Гам боссан юракни гашладинг, кетдинг.

## "Ҳ." га...

Кўксимга санчилгач оташ нигоҳине,  
Зулғиннга ўралиб қолди хаёлим.  
Үртамизга дөвөр бўлди ҳамроҳине,  
Тилимга ёпишиб қолди саволим.

Ўшанда қолгандим изларинда зор,  
Севимни яралаб этгандине майдор.  
Яна не сабабдан қилиб умидор,  
Иўлима чиқяпсан мунемли жилмайиб?

Наҳотки, шунча йил қилиб сўзона,  
Яна ўргаклайсан огузларимни?  
Қўёшини қўйдириб юборди, мана,  
Тафтига боқсанг-чи туғулагаримнинг.

Маъно изламагин нигоҳимдан, бас,  
Сенсиз ҳётимда қолмаган маъни.  
Бизни ёқкан ўша туғулагар абас,  
Билмадим, қўйдирап яна нечани?

Ошиқман, севмоқдан сира толмаган,  
Садоқат яшнатсан, гулум, боянгани.  
Сени ўтмокликка ҳаққим қолмаган,  
Майлимни бир ўпсам қизалогини?

## Шудринг

Юз мине карра айладим изкор,  
Сенсиз ҳамто уктар ҳам оғир.  
Юз мине карра айладинг инкор  
Кўзларимдан ёндириб ёмғир.

“Кўчамизда бўзламанг ортиқ,  
Кўзим учмас сизга ҳеч маҳал”.  
Янги ёлган этасан тортиқ,  
Йўлея нигоҳ қадайсан маҳтал.

Беркитасан мендан дилрабо,  
Шахло кўз-у зулғи шабингни.  
Лек сезаман ухлайсан ҳамто  
Суратимга босиб лабингни.

– Севасанми?  
– Йўқ, – дейсан тақрор.  
Инкорларинг бағрим ўяди.  
Лек ишқинага бўлгансан икор,  
Ийманишине сотиб кўяди.

Кетаяпман, ўйл тилагин оқ.  
Ризқимни ҳарбийга кўшибди.  
Тўппа-тўрти, ўйлағанинг ўй,  
Кипригиннега шудринг тушибди...

Ёки:

Тепамда биргина Худо,  
Битта мен турибман менинг ортимда, – деб ёзади.  
Хуллас, Ойбекнинг шеърлари келажагини кўрса-  
тиб турибди. Бежизе унине мисраларидан мисоллар  
келтирмадим. Сиз ҳам уни ўқинг ва ишонинг. Мен  
ишондим.

Фарида АФРУЗ,  
шиора

## Пилак

Куз ўз ҳукмини кўрсатган чоғда,  
Олтин бағлар тўлпанди бодга,  
Минг гўзланин қолдириб додга,  
Бир супуг қиз келди замина.

Қўрмиз дубок, чаросдирир кўзи,  
Гул ўндирир боссан ҳар изи,  
Уни кўтлаб бутун Ер кози  
Пойи узра сочди хазина.

Изларида бўлдим-ку гариф,  
Қаддирасо, комати алиф,  
Чироийга топтадим таъриф,  
Хусни – Каъба, қалби – Мадина.

Бегуборим сакламайди кин,  
Фироригда бўлдим-ку мискин,  
Уни кўргач, ҳамто, Есенин  
Деди: “Кечир мени, Шахина”.

Ишк майи бу дилни ҷоғласа,  
Иўлумизни висол болгаса,  
Қовун пишисин, Худо ҳоҳласа,  
Ўйланади унга камина.

Майли, севма, сен, мени зинҳор,  
Оловларга отсан жонимни.  
Бир лаҳзада ҳамтоти минг бор,  
Ёкб ташла хонумонимни.

Майли, севма, сен, мени зинҳор,  
Кўлларинги берма кўлумга.  
Тупроқдан-да этгин хор-у зор,  
Минг азобни юбор ўйлумга.

Майли, севма, ёқтимра зинҳор,  
Барчасини тақдирга ўйдайн.  
Илтимосим сендан, эй дилдор,  
Фақат сени севишига кўйиги.

Ойбек АКБАРОВ

## Гулдаҳан

Аҳд этдинему энди, дилдор,  
Ёндириб кул айларам, деб.  
Жафо айлаб, авеал минг бор,  
Сўнга дод солиб найларам, деб.

Чорларам, кел, аё, дилбар  
Хукм қил-у, фармон чиқар,  
Ишк мулкига кўнсанг агар,  
Мажнун этиб сайларам, деб.

Кетдиня яна кўп юксалиб,  
Сен – гулдаҳан, мен – андалыб.  
Минг бор кулиб, минг сандалиб.  
Шамолларга сўйларам, деб.

Ҳажринеда гул чекиб фиғон,  
Кўксим чирга қўйнапар жон.  
Гарчи рост айт, магар ёлғон:  
“Сени ҳар кун ўйларам”, деб.



## Читимос

Майли, севма, сен, мени зинҳор,  
Оловларга отсан жонимни.  
Бир лаҳзада ҳамтоти минг бор,  
Ёкб ташла хонумонимни.

Майли, севма, сен, мени зинҳор,  
Кўлларинги берма кўлумга.  
Тупроқдан-да этгин хор-у зор,  
Минг азобни юбор ўйлумга.

Майли, севма, ёқтимра зинҳор,  
Барчасини тақдирга ўйдайн.  
Илтимосим сендан, эй дилдор,  
Фақат сени севишига кўйиги.

Ойбек АКБАРОВ

## Ҳаёт манзаралари

### Киракашлар "тап бисоти"дан

– Ресторанда бир миллионга ўтириб чиқиб, 5 минг сўмни нега тортишасиз?

– Олдин йўлларни тўғрилаб кўйиб, кейин автобуслар учун алоҳида йўл ажратиш керак эди.

– Шунака байрам кунлари босиб қолмасак, иложимиз бўлмаяти. Бошқа кунлари тушум жуда кам.

– Энди бу одамларни эплаб бўлармикан? Чунки уларга керагидан ортиқ эркинлик бериб юборилди. Салгина тизгинни қаттиқроқ ушлаб турисиз зарар қилмасди.

– Бир кунда 100 минг сўмни зўрга топлямис. Бу кетишида таксиличини

ҳам йиғиштирсам керак.

– Шунака йўловчилар бор, 10 минглик жойга иккни минг бераман, дейди. Мен ҳам автобусда етволовақол, дейман.

– Уч киши экансизлар, сал қўшинг ока...

Йўловчи: Нурилло АБДУЛАЕВ

оласизми? Шу ерда тушириб кетсан бўладими? Ичкарига киришинг шартми?

– Уч киши экансизлар, сал қўшинг ока...

Йўловчи: Нурилло АБДУЛАЕВ



## Кўзи тўқининг ўзи тўқ

“Кўзи тўқ” деганда борига  
қаноат қильувчи, бирорвинг  
ризқига кўз тикмайдиган,  
тама қилмайдиган, олдига  
қўйтанини орқа-үнгига қа-  
рамай емайдиган, оч бўлса  
ҳам тўқман деб турадиган  
ориятида одамни, “очқўз” де-

гана эса ана шу хислатлар-  
нинг тамомила тескарисига  
эга бўлган орятисиз, сулҳо,  
бети қалин, тамагир одамни  
назарда тутадилар. Юкоридаги  
мақонли “Кўзи тўйса,  
ӯзи тўр” деб ҳам ишлатадилар.

## Нега шундай деймиз?

### Пора еган – она ер

Пона емоқ – кунини кўрмоқ, адабини емоқ, тавбасига таянмоқ,  
жазосини тортмоқ деган маънени англатади. Шунингдек, “Пора  
дўзах эшигини очади”, деган гап ҳам борки, бу билан: “Пора ол-  
ган одам гуноҳга ботади, у дунёда дўзахга тушиб, азобланади”,  
дейилмоқчи.

Ш. ШОМАҚСУДОВ,  
“Ҳикматнома”



TOSHKENT НАҚІОТАТІ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**

“Toshkent haqiqati” va  
“Tashkentskaya pravda”  
gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV  
(tahrir hay’ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEV

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthaqiqati@mail.ru

Mas’ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqt - 21.00.  
Bosishga topshirildi - 20.00.